



## ЎЗМУ ХАБАРЛАРИ

### ВЕСТНИК НУУЗ

### АСТА NUUZ

МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ  
УНИВЕРСИТЕТИ ИЛМИЙ ЖУРНАЛИ

**ЖУРНАЛ  
1997  
ЙИЛДАН  
ЧИҚА  
БОШЛАГАН**

**2021  
1/2/1**

**Ижтимоий-  
гуманитар  
фанлар  
туркуми**

Бош муҳаррир:

**И.У.МАЖИДОВ** – т.ф.д., профессор.

Бош муҳаррир ўринбосари:

**Р.Х.ШИРИНОВА** – ф.ф.д., профессор

Таҳрир хайъати:

**Сагдуллаев А.С.** – т.ф.д., проф.

**Аширов А.А.** – т.ф.д., проф.

**Баллиева Р.** – т.ф.д., проф.

**Маликов А.М.** – т.ф.д., проф.

**Юсупова Д.Ю.** – т.ф.д., проф.

**Муртазаева Р.Ҳ.** – т.ф.д., проф.

**Мўминов А.Г.** – с.ф.д., проф.

**Ганиева М.Ҳ.** – соц.ф.д., проф.

**Мадаева Ш.О.** – ф.ф.д., проф.

**Туйчиев Б.Т.** – ф.ф.д., проф.

**Мухаммедова Д.Г.** – псих.ф.д.

**Тўхтаев Х.П.** – ф.ф.н., доц.

**Болтабоев Х.** – фил.ф.д., проф.

**Раҳмонов Н.А.** – фил.ф.д., проф.

**Жабборов Н.А.** – фил.ф.д., проф.

**Сиддиқова И.А.** – фил.ф.д., проф.

**Ширина Р.Х.** – фил.ф.д., проф.

**Садуллаева Н.А.** – фил.ф.д., доц.

**Арустамян Я.Ю.** – фил.ф.д., доц.

**Пардаев З.А.** – фил.ф.д., PhD.

Масъул котиб: **З. МАЖИД**

**ТОШКЕНТ – 2021**

<b>Исломов Д.</b> Фонема ва фоностистика тушунчаларига доир илмий-назарий карашлар.....	205
<b>Исмоилова Н.</b> Метаморфоза феноменинг лингвистик луғатларда берилиши.....	208
<b>Мамадалева З.</b> Искандар образи талқини: ирфон, орифлик ва камолот.....	211
<b>Мамадова Ф.</b> Инглиз ва ўзбек тилларидаги эвфемизмларни типологик тадқиқ қилиш.....	214
<b>Ражабова Д.</b> Америка ёзувчиси теодор драйзернинг “Женни Герхардт” асарида урбанонимлар талқини.....	217
<b>Ro‘zimatova D.</b> O‘zbekcha tibbiy terminlarning mavzuiy guruhlari.....	220
<b>Туробов Ж.</b> Инглиз тили ўқитиш жараёнида темир йўл соҳасига оид терминларни тадбиқ этиш усуллари.....	223
<b>Тухтасинова Н.</b> Халқаро туризм терминологияси тушунчасининг моҳияти ва хусусиятлари.....	227
<b>Усмонова З.</b> Илмий-фантастик терминларнинг асардаги бадний вазифалари(Рей Брэдбери ва Айзек Азимов асарлари мисолида).....	230
<b>Холисова Г.</b> Тижорий дискурснинг психоллингвистик тадқиқига доир айрим натижалар.....	234
<b>Худойбердиева Н.</b> Ранг – ранглараро тадқиқот манбаи сифатида.....	237
<b>Худойкулов М.</b> Матбуот ва жамоатчилик фикри.....	242
<b>Хайдарова Г.</b> Мақол ва маталларнинг миллий ўзига хослиги ва уларнинг тузилиши.....	245
<b>Ҳасанов А.</b> Ўзбек тилидаги лексик лакуналарни диалектизмлар билан тўлдириш (чорвачилик лексикаси мисолида).....	248
<b>Шербоев Н.</b> Стилистик воситаларнинг нутқ самарадорлигига таъсири.....	252
<b>Юлдашева Х.</b> Эркин Воҳидов лирик асарларида миллий руҳ ифодаси.....	255



УДК 81.373 (81.373.2)

*Зарина УСМОНОВА,*  
*Бухоро давлат университети*  
*Инглиз тилишунослиги кафедраси ўқитувачиси*  
*E-mail: zarin\_1908@mail.ru*  
*тел: 91-24212 21*  
*БухДУ катта ўқитувачиси, PhD Н.С.Қобилова тақризи асосида*

**ARTISTIC FUNCTIONS OF SCIENTIFIC TERMS IN WORK (ON THE EXAMPLE OF RAY BRADBURY AND ISAAC ASIMOV)**

Abstract

The article describes the role and function of science fiction terms used in the works of world famous science fiction writers Ray Bradbury and Isaac Asimov. The Uzbek variants of English terms and their meanings are compared on the example of artistic fragments. The intensity of the process of learning traditional and stable terms in the language ensures that they form a whole terminological series and play an important role in the development of vocabulary. According to the lexical characterization, the terms are mostly monosyllabic, but the language also has several meanings, usually seen in fiction.

**Key words:** science fiction, scientific term, lexico-semantic, phrase, telekinesis, telepathy, field, smell, stylistic devices, space.

**ХУДОЖЕСТВЕННЫЕ ФУНКЦИИ НАУЧНЫХ ТЕРМИНОВ В РАБОТЕ (НА ПРИМЕРЕ РЕЯ БРЭДБЕРИ И АЙЗЕКА АЗИМОВА)**

Аннотация

В статье описываются роль и функции фантастических терминов, используемых в произведениях всемирно известных писателей-фантастов Рея Брэдбери и Айзека Азимова. Сравниваются узбекские варианты английских терминов и их значения на примере художественных фрагментов. Интенсивность процесса изучения традиционных и устойчивых терминов в языке гарантирует, что они образуют целый терминологический ряд и играют важную роль в развитии лексики. Согласно лексической характеристике, термины в основном односложны, но в языке также есть несколько значений, обычно наблюдаемое в художественной литературе.

**Ключевые слова:** фантастика, научный термин, лексико-семантический, словосочетания, телекинез, телепатия, сфера, аромат, стилистическое средство, мир.

**ИЛМИЙ-ФАНАСТИК ТЕРМИНЛАРНИНГ АСАРДАГИ БАДИЙ ВАЗИФАЛАРИ(РЕЙ БРЭДБЕРИ ВА АЙЗЕК АЗИМОВ АСАРЛАРИ МИСОЛИДА)**

Аннотация

Мақолада жаҳон фантастикасининг таниқли вакиллари Рей Брэдбери ва Айзек Азимов асарларида қўлланган илмий-фантастик терминларнинг ўрни ва вазифалари ёритилган. Унда қиёсий аспектда инглизча терминларнинг ўзбекча вариантлари, маънолари бадий парчалар мисолида очиб берилган. Тилдаги анъанавий ва барқарор терминларни ўрганиш жараёнининг жадаллиги уларнинг бир бутун терминологик қаторлар ташкил топшини таъминлайди ва лексика тараққиётида муҳим аҳамият касб этади. Лексик хусусиятига кўра терминлар асосан бир маъноли бўлиб, аммо тилда кўп маънолилари ҳам учрайди, бу ҳолат одатда бадий адабиётда кузатилади.

**Калит сўзлар:** фантастика, илмий-фантастик термин, лексик-семантик, сўз бирикмаси, телекинез, телепатия, эвтаназия, соҳа, хид, стилистик воситалар, коинот.

**I. Кириш.** Жаҳон адабиётида фантастик йўналиш ўзининг бир неча асрлик тараққиёт белгиларига эга. Ж.Верн, Г.Уэллс, А.Беляев, А.Азимов, С.Кинг, Р.Брэдбери сингари адиблар бу йўналиш ривожига муносиб ҳисса қўшдилар. Мазкур йўналишдаги асарларнинг асосида фан ва техникадаги янгиликлар, кашфиётлар тасвири ётади. Фантаст ёзувчилар ҳамма даврларда ҳам ўзлари яшаётган замондан илгари юришади. Чунки улар келажакни олдиндан кўра олганликлари учун ўз асарларида илмий гипотезаларга кенг ўрин беришади. Бу гипотезалар эса вақт ўтиши билан амалга ошади, реал воқеликка айланади. Бинобарин, фантастик йўналишдаги асарларнинг бошқаларидан фарқи ҳам, аслида, шундадир. Қолаверса, бундай асарлар лексикаси ҳам ўзига хосдир. Бу лексика таркиби, асосан, фан техника ютуқларини акс эттирувчи илмий-фантастик терминлардан иборат. Илмий-фантастик терминлар умуминсоний мазмун касб этади. Чунки улар дунё илм фани эришган ва эришаётган ютуқлар заминидан юзага келади ва вақт ўтиши билан умумистеъмолга сингишиб боради. Жаҳон фантастикасининг йирик намоёндалари Рей Брэдбери ва

Айзек Азимовларнинг айрим асарлари мисолида мазкур қарашларимизни асослашга ҳаракат қиламиз. Илмий-фантастик терминлар мазкур ёзувчилар ижодида фан янгиликларини акс эттирувчи, глобал оламда юз бераётган воқеалар, илмий кашфиётлар мазмунини тушунтирувчи лексик бириклардир. Шу маънода бундай сўзлар фантастик асарда услубий вазифа ҳам бажаради.

**–Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили (Literature review).** Маълумки, Р.Брэдбери ва А.Азимовларнинг қатор асарлари ўзбек тилига ўғирилган. Аслият ва таржима муносоиблигини таъминловчи биринчи омил илмий-фантастик терминларнинг қўлланилиши билан боғлиқ. Чунки мазкур терминларнинг кўпчилиги байналминал характер касб этганлиги учун ҳам улар таржима қилинмайди, қандай бўлса шу ҳолатида таржима вариантга кўчади. Бу тилшуносликдаги шаклий тамойилга мувофиқ келади. Тўғри, “воситачи тилдан ўтираётган таржимон аслият устида иш олиб бормаганлиги учун имкониятлари ҳам чегараланади. Баъзан аслиятдаги айрим парчалар қолдириб кетилиши ёки таржима жараёнида маънони чиқариш учун

ўзгартиришлар киритилиши мумкин”[1]. Бироқ фантастик асарларда бундай чегаралар деярли бўлмайди. Сабоби, илмий-фантастик термин табиати бунга йўл қўймайди. Бироқ уларнинг моҳиятини ўзбек тилида тушунтириш орқали асар мазмунини англашга эришиш мумкин бўлади. Қолаверса, илмий фантастик терминлар ҳам янгиланади, замонавий лексика тарбига сингади. Демак, тилдаги неологизмлар тизимида илмий-фантастик терминлар мустаҳкам ўринга эга. Ҳатто шундай терминлар ҳам борки, ҳозирда улар тиббиёт атамаси (эфтаназия, галлюцинация...) сифатида ҳам қўлланилмоқда. Бу эса илмий-фантастик терминларнинг истеъмол доираси кенгайиб бораётганлигини кўрсатади.

**–Тадқиқот методологияси (Research Methodology).** Терминларнинг бадий адабиётда қўлланилиши ва вазибалари айнан ёзувчи маҳорати ва бадий эстетикасига боғлиқ эди. Термин, Л.В.Щерба фикрича, фан ва муайян соҳага тегишли бўлиб, “маълум тушунча ифодаладиган сўз ёки сўз бирикмаси”дир [2]. Тилдаги аънавий ва барқарор терминларни ўрганиш жараёнининг жадаллиги уларнинг бир бутун терминологик қаторлар ташкил топишини таъминлайди ва лексика тараққиётида муҳим аҳамият касб этади. Лексик хусусиятига кўра терминлар асосан бир маъноли бўлиб, аммо тилда кўп маънолилари ҳам учрайди, бу ҳолат одатда бадий адабиётда кузатилади. С.В.Гриневнинг фикрига кўра, термин “бу маълум бир тилнинг алоҳида тушунчалар номини берувчи махсус лексик бирлигидир” [3].

Илмий-фантастик терминлар эса маълум бир тилнинг эмас, балки бир неча тилнинг тушунчалар номини берувчи интернационал лексик бирлигидир.

Жаҳон адабиёти туб бурилишлар ва янгиликлар асрида, айнан XX асрнинг иккинчи ярмида Америка ва инглиз адабиётидаги фантастик жанри бағоят тез ривожланди. Унда реалистик ва модернистик йўналишдаги асарлар билан бир қаторда фантастик ҳикоя, қисса ва романлар яратилди ва яратилмоқда. XX асрнинг иккинчи ярми Америка адабиётидаги етакчи жанр фантастик роман ҳисобланиб, унинг энг йирик намоёндалари, шубҳасиз, Рей Брэдбери ва Айзек Азимовдирлар.

Бугунги кунда XX аср Америка адабиётининг машҳур намоёндалари Рей Брэдбери яратган кўплаб роман, қисса ва ҳикоялар жаҳон фантастикасининг олтин фондига айланди. Адиб асарлари дунёнинг 33 та тилига таржима қилинган ва 35 мамлакатда нашр қилинган. Шу асосда уни илмий фантастикада машҳурликка эришди. Рей Брэдбери асарлари тили ўзига хослиги, илмий-фантастик терминларнинг кўплаб қўлланилганлиги билан алоҳида хусусият касб этади. Ёзувчи ҳикояларида илмий-фантастик терминлар инсон ва жамият ҳаётида рўй берувчи ғайриоддий воқеалар; инсон табиатидаги муқаддас ва юксак туйғулар; инсон, табиат ва жамиятда яширинган ҳамда пайти келиб ташқарига портлаб чиқиб, атроф борлиқни таниб бўлмас даражада ўзгартириб юборишга қодир оддий, кундалик воқеалар камраб олинган. Рей Брэдбери ўз асарларида фантазия ва илмий фантастикадан, китобхон қалбига даҳшат солувчи романлар элементидан фойдаланади. Одатда Рей Брэдбери асарларида турли жанр унсурлари бир-бирига қоришиб кетади. Айнан мана шу хусусиятлар Рей Брэдбери ижодининг ўзига хослигини ҳамда унинг китобхонлар томонидан ўзгача қабул қилинишини таъминлайди. Адиб ўз асарларида вампирлар, шафқатсиз котиллар, пироманлар, арвоқлар, телекинез, телепатия ҳақида ҳикоя қилса-да, шахс ва унинг жамиятдаги ўрни, эзгулик ва ёвузлик ўртасидаги кураш каби замонанинг энг долзарб муаммоларини илмий томондан кўтариб чиқади.

**–Таҳлил ва натижалар (Analysis and results).** Ҳозирги кунда илмий техникага оид терминларнинг инглиз тилидан ўзбек тилига таржима қилиш масалалари энг долзарб ҳисобланади, чунки у ҳали назарий жиҳатдан тадқиқ этилмаган. Илмий техника матнларда баъзи махсус терминларни таржима қилиш кийинчилик тугдирди. Бундай терминларни таржима қилиш учун таржимоннинг ўзи ўзбек тилидаги муқобил сўзларни кидириб топиши зарур бўлади. Ёки дунё тилларида бирдай қўлланилиб келаётган бундай сўзларни айнан қабул қилиб, изоҳини бериши керак бўлади. Рей Брэдбери каламига мансуб “Марсга ҳужум” (“Марсианские хроники” – “Martian Chronicles”) номли романидаги илмий-фантастик терминлар дунё цивилизацияси жараёнларини акс эттиради. Маълумки, асарда фантастик йўналишга хос телепортация усули қўлланилган бўлиб, инсонлар вақт бўйлаб бошқа маконга ва масофага саёҳат қила олишидир. Масалан: “Пуштиранг олов ва чўғдек ҳовур уфуриб турган космодромда ракета қаддини ғоз тутиб турар эди. Аёзли киш тоғида ракета ўзининг қудратли оташ бафаси билан атрофни ёз қилиб юбораётганди. Ракета об-ҳаво яратмоқда ва бир неча лаҳзадан буён чор атрофда ёз ҳукм сурмоқда эди...” [6,4] Ракетанинг Ердан кўтарилиб, то фазога етгунга қадар жараён тасвирида ёзувчи “ракета”, “космодром” атамаларидан шундай моҳирона фойдаланганки, ракетанинг “қаддини ғоз тутиб туриши” тарзида қонлантериши ундаги катта қудратни намоён этади. Ёхуд унга нисбатан қўлланган “ёз қилиб юборадиган”, “об-ҳаво яратадиган” бирикмалар ҳам ракетанинг кучини намоён этиб туради. Фаннинг бу кашфиёти инсоннинг коинотни забт этиш йўлидаги илмий фаолияти махсулдир. Шу билан бирга, асарда қаҳрамонларнинг руҳий ҳолати, ҳаёл дунёси, фикрлаш тарзи ва хатти-ҳаракатлари психологик терминлар: телепатия, телепортация, эвтаназия, глюцинация, галлюцинация, иллюзия қабилар орқали ишонарли ифодааланган. Масалан: “... – Ер. Кейин у бизнинг тилимизда гапирмади. Лекин мен бир амаллаб уни тушундим. Зеҳним-да. Бу телепатия, албатта” [6]. Бундан ташқари муаллиф фантастика воситасида романдаги саёҳатни мажозий маънода қўллайди. У Ердаги ҳаётни издан чиқарганлар – табиат котиллари асарда тилга олинган шаффоф Марсииям аллақачон бошига етганлар ва бу “билимдонлар”, “соғломлар” марсликларни касалга чиқариб қўйганлар: “... Булар ахир параноидларку, биттаси ҳам соғ эмас! Лекин улар бизни қандай кутиб олишди!... Мана бу ҳайкириқлар, кўшиқлар, нутқлар...Ахир бари зўр бўлган эди-ку...” [6].

Мазкур парчада Р.Брэдбери ерликларнинг ҳатто Марсининг ва унга алоқадор жамики мулклар устидан баҳо беришларига ачинади. Ёзувчи инсониятда зоҳир бўлган чин касалликни қаҳрамонларида жо қилади, уларнинг таназулга юз тутишини ерлик қаҳрамонларида кўради:

“–Сиз кўрган жинниҳонадаги беморлар муолажаси анча жўнроқ экан...Аммо сизникига ўхшаган бирламчи, иккиламчи эшитув, ҳидлов ва таъм билув жинниларини қўшиб ҳисоблаганда ва кўрув сезгилари билан биргалиқда, мен сизга айтсам, иш ниҳоятда ёмон. Биз эвтаназияни қўллашга мажбур бўламиз[6].

Муаллиф “эвтаназия” ҳолатини асарда марсликларнинг ерликларга қўйган ташхиси ва қарори деб ҳисоблайди, бу ҳолат оғир ва тузалмас дарддан азоб чекаётган инсоннингихтиёрий равишда ҳаётини тўхтатишига рози бўлишидир. Асарда қўлланилган илмий-фантастиктерминлар ҳаёлий эмас,балки фан-техника ютуқлари асосидаги ҳақиқий саёҳатни тасвирида восита бўлиб хизмат қилган. “Марсга ҳужум” романида қўлланилган илмий терминларнинг уч тилдаги, яъни инглизча, русча ва ўзбекча намуналарини



солиштириш жараёни ҳар бир тилнинг мавжуд имкониятларин юзага чикарди. Жумладан, терминларни синонимлари билан бериш нукта назаридан ўзбек тилининг ҳам имкониятлари кенглиги аён бўлди. Айни вақтда инглиз тилининг афзаллик томони шундаки, фикрни лўнда, қиска ва содда қилиб етказиш мумкин. Ўрни грамматик, лексик қулайликлари мавжуд.

Илмий-фантастик асарларда берилган терминлар асарнинг характерини белгилашдан ташқари аниқлаштирилган белгилари билан биргаликда кўринишини ҳам ифодалаб беради. Терминологик бирикмалардаги у ёки бу компонент бир вақтнинг ўзида умумий ва махсус белгиларга эга бўлиши мумкин, яъни бошқа терминологик бирикмалар таркибиде иштирок этиши мумкин. Бундай хусусият ўзиги хос терминологик уяни вужудга келтириб, бирор бир соҳанинг бир неча терминлар каторини ифода этади. Масалан, “бемор қаҳрамоннинг” руҳий ҳолатини марслек рухшувос шундай баҳолайди: “...бошқа беморларимиз... кўрув галлюцинацияларига мўлжалланадилар... нари борса эшитув галлюцинацияларига кўшилиб кетади. Сиз бўлсангиз... баб-баравар муомала қилсангиз. ... жиннилингиз ... ҳайратомуз мукамалдир”. Бу ҳолат аслида идрок этилган йўқ ҳолат, нарса-ҳодисани бордек идрок этиш ҳолатидир. Йўқ нарсани бордек қабул қилиш таназзулнинг бошланиши эмасми деб муаллиф ачинади. Романда Р.Брэдбери психологик атамалардан қаҳрамонлар кифёси, дунёқароши, фикрлаши, хулоса чикаришида самарали фойдаланган.

Рей Брэдберининг фантастик романлари ўзига хос баҳорат ва оғохлантириш элементларини ўз ичига олади. Инсонлар келажак учун хавф солаётган хатар бошқа асарларда ҳам долзарб мавзудир. Унинг 1964 йилда Лос-Анжелос театрларидан бирида намоиш қилинган бир актли пьесалари бунга яққол мисол бўла олади. Улардан энг таъсирлиси – “Вельд” (“The Veldt”) ҳикоясидир. Ёзувчи ушбу ҳикоясида ҳам илмий терминлардан кенг фойдаланиб, асар ғоясини очиб беради. Асар сюжети қуйидагича: Дикқатни тортувчи рекламалардан таъсирланган америкалик оила 30 минг долларга бутунлай автоматлаштирилган уй сотиб олишади. Болалар хонаси, айниқса, ғаройиб хусусиятга эга эди. Бундай уйни ишлаб чикарган фирма ҳам уйни “Бахт учун” деб номлаган эди. Лойиҳалаштирилган қурилмаларнинг ва ҳар хил мосламаларнинг мураккаб системаси, келажакдаги охириги техникага кўра, болаларнинг хоҳишига асосан бир лаҳзада хонани Ернинг исталган жойига айлантириши, хоҳлаган кўринишини жонли образда муҳайё қила олади. Болалар тасаввурини эртақлардаги боғлар жалб қилмайди. Ҳатто ота-онасини ҳам ётоқлари тебратиб ухлатади, овқат пишириш ҳам автоматлашган ошхона зиммасида. Шу даражада ривожланган механизм болаларнинг дарсини ҳам бажаради, сочини ҳам тарайди. Бу техника асрида инсоннинг бажарадиган иши қолмаган, ота-она мехрини ҳам механизм эгаллаган. Механизмлаштирилган уй болаларнинг ҳам отаси, ҳам онаси, уларнинг бору-йўғи. Машиналашган ҳаётда инсоний туйғуларга ўрин йўқ. Охириги вақтларда ота-она болалар хонасидан даҳшатли қийқирикли овозларни эшитиб қоладилар. Болаларнинг бўйруғига кўра, хона куёш иссиғидан ёнаётган, қуруқ Африка чўли – Вельдига айланган. Унда оч шерлар ҳам худди жонлидек изғиб юрарди. Бу ҳолатдан жаҳди чиккан ота-она хонани, умуман, уйнинг механизминини ўчириб қўйишга қарор қилади. Болалар бўлса, ўз хонасидан ажралишни хоҳламайдилар. Чунки бу хона улар учун ота-онасидек азиз. Улар мана шу даҳшатли хонага ота-оналарини қамаб қўйдилар ва уларни оч шерлар қурбонига айлантиришади. Шундагина ота-оналар аввалроқ эшитилган қийқириклар аслида ўзлариники

эканлигини англайдилар. Қалбни ларзага келтирадиган фожеа саҳнаси қанчалик аянчлилигини тасаввур қилиш мумкин. Муаллиф бу билан “ўз болаларингиз бахти учун нима зарурлигини унутиб, уларни тубсиз бешафқат ва бераҳмлик жарига итармоқдасиз” – дейди. Асарда инсон интеллектини, муҳандислик маҳоратини тўғри мақсадларда қўлламаганлиги оқибати мана шундай фожеа билан яқун топиши кўрсатилган. Бу ҳикояда глобал муаммога айланган келажак авлод тарбияси, маънавият масаласи кўтарилган.

“Вельд” ҳикоясини русчадан Нозим Комил таржима қилган. Таржимада аслият руҳи сақланган, лекин баъзи сўзларнинг ташлаб кетганлиги, шунингдек, тил имкониятлари, айниқса, илмий атамалар қўлланилишида яққол намоён бўлган. Илмий терминларнинг таржимаси ўз ҳолича сақланган. Бу эса, ўз навбатида, илмий терминларнинг муқобили йўқлигини ва бошқа тилларда ҳам таржимаси ўз ҳолича қолишини таъминлайди.

Аслиятда:

“-Walls, Lydia remember; crystal walls, that's all they are. Oh, they look real, I must admit – Africa in your parlor – but it is all dimensional super reactionary, supersensitive color film and mental tape film behind glass screens. It's all odor phonics and Sonics, Lydia” [8].

Ўзбекча таржимаси:

“-Лидия, улар девор, бор йўғи нурланувчи девор, ҳолос, буни ҳечам унутма. Тўғри, шерлар худди рostaкамига ўхшайди, бунга ҳеч нарса дея олмайман – бизнинг уйимизда Африка-я! Бироқ буларнинг ҳаммаси тасвири ойнаванд экранга туширилган рангли ҳажвий фильм, психозапись, одорофонлар ва стереотовушнинг ўта кучли таъсири, ҳолос”.

Оқоридаги одорофон – хид таркатувчи, стереотовуш, психозапись каби терминларнинг ўзбекча муқобилини топиш бирмунча қийинчилик туғдиради. Одорофон инглизча атама бўлиб, унинг тузилиш структураси ва маъновий хоссаси қуйидагича, яъни иккита сўздан тузилган мураккаб термин ҳисобланади, илмий терминологик луғатда қуйидагича таърифланади: “odrophonic (science – fiction term) – a device producing smell and sound consists of two units – “odour”, “phone” which means “smell” and “sound”. Бошқа ўринда “рангли ҳажвий фильм” эмас, балки “рангли бўртма, стереоскопик тасвир” деб берилса тўғри бўларди. Чунки инглизча матнда ва русча матнда ҳам “ҳажвий” сўзи иштирок этмаган. Русча таржимаси: “– Но все это лишь повышенного воздействия цветной объемный фильм и психозапись, проектируемые на стеклянный экран, одорофоны и стереозвук”. Кўринадики, илмий терминлар деярли таржимага муҳтож эмас. Фақат уларнинг бошқа тиллардаги эквивалентларини бериш мумкин. Агар эквиваленти бўлмаса, терминнинг изоҳи бериш орқали бадиий матн моҳиятини тўлиқ англаш мумкин бўлади.

Америка адабиётида фантастика йўналишининг дарғаларидан бўлган Айзек Азимов ўзининг “Коинот оқимлари” илмий-фантастик асарида ҳам илмий терминларга кенг ўрин берилган. Ёзувчи кўпроқ астрономия фанига оид атамаларга мурожат қилади, фан атамаларнинг таҳлили жараёнида семантик компонентлар таҳлилига ҳам эътибор қаратиш лозим. А.Азимов романидаги илмий атамаларнинг семантик компонентлари (семалар) деганда шу атама англаган маънонинг элементлар бириклари тушунилади. Замонавий фантастик асарда ушбу бирикларда сўзнинг маъноси парчаланиб тарқалган бўлиши мумкин. Илмий атама таркибидеги сема маънонинг бирлиги бўлиб, маъно билан узвий боғлиқдир. Семантик компонент ўз ичига, албатта, лексиконни қамраб олади. Ушбу словальда ҳар бир сўзга унга мос келувчи маълум бир мазмун

солиштирилади. Караулов Ю.Н. айтишича: “Семантик компонентлар, уларнинг мажмуаси ва талкини ўрта даражадаги тил намоёндаси даражасидан келиб чиқиб кетмаслиги лозим, акс ҳолда талкиннинг фойдаси бўлмайди” [4]. Илмий атамалар таркибидаги семантик компонентнинг муҳим бир хусусиятларидан бири –бу унинг юқори даражада мавҳумлигидир. Айнан мана шу хусусият семантик компонентларнинг мослашувчанлиги, нисбатан турғунлигини белгилайди. Бир компонент турли хил сўзларнинг маъносига киради, бу эса семантик компонент индивидуал бўла олмаслигини кўрсатади. Асарда фойдаланилган семантик компонент маълум даражада “аникликка”, “ўз маъносига” эга бўлиши лозим, аммо фантастик асарда мажозий маъно ёки фан муҳитини ифода этиш учун ҳам ишлатилади. Бу эса асардаги турли сўзлар маъноларига қўшимча элемент сифатида сингишига ёрдам беради. “ –Мен фақат сизнинг фойдангизни кўзлаяпман.Унинг қўлида қора стержень пайдо бўлди. Ерликнинг овози бўғик чиқди: –Рухият зонди- ку. У ўрнидан турмоқчи бўлди туришга мажолли етмади.”[7] Асарда “қора стержень”, “рухият зонди” каби терминлар қаҳрамон руҳий ҳолатини очиб берувчи ифода вазифасини ўтайди. Улар бир-бирига ўзаро ҳам маъновий ҳам функционал боғланган. Ҳар иккала атама бош қаҳрамон Рикнинг нормал руҳий ҳолатини йўқотишини ифода этган. Ҳар иккаласининг маъноси эса – автоматик қурилма бўлиб, унинг бир учи бош суякнинг маълум нуқталарига теккизилади ва натижада мижоз нормал руҳий ҳолатини йўқотади. Бундан ташқари муаллиф айнан астрономик атамалардан тасвир воситаларида фойдаланар экан, қўпинча жой номларини аташда фойдаланади. Масалан: “...Дунё гўзал эди. ... бир неча

мил нарида жойлашган Юқори Шаҳарда ёниб турадиган каттагина ёзувлар борлигини айтганди. Флорина – бугун галактикадаги энг гўзал сайёрадир” [7, 19] . Флорина ёзувчининг хаёлий сайёраси бўлиб, айнай шу хаёлий уйдирма билан инсониятни Ер қуррасини асрашга ундайди. Асарда Ерлик фазогир-тадқиқотчи пахтанинг олий нави – кирт етиштириладиган Флорина сайёрасини муқаррар хавфдан огоҳ этади.

**Хулоса ва таклифлар.** Рей Брэдбери ва Айзек Азимовларнинг фантастик романларининг ҳар бири ўзига хос башорат ва огоҳлантириш элементларини ўз ичига олади. Ҳар иккала муаллифлар ҳам фантастик тасвир ифодасида психологик, физик, астрономик терминлардан самарали фойдаланишган.

Р.Брэдбери ва А.Азимов фантастикаларининг ҳақиқий қаҳрамони дунёни ўзгартираётган илм-фан, техника роли эмас, балки секинлик билан ўзгартираётган дунёда яшаётган инсондир. Улар инсоннинг ҳаётига кирган қувончли ёки ташвишли мўъжизани ҳис этиб ёздадилар. Бундай асарларад инсон гоҳ Ерда, гоҳ кoinотда ёки Марс қояларида бўлсин, у ўзлигини унутмаслиги, калб эгаси эканлигини англаши кераклиги уқтирилади.

Умуман олганда, Рей Брэдбери ва Айзек Азимов асарларида қўланилган илмий-фантастиктерминлар қуйидагиларга хизмат қилади:

Биринчидан, асарнинг характерини белгилаб беради.

Иккинчидан, бугунги фан ютуқларини акс эттиради.

Учинчидан, қаҳрамон рухиятини очиб беради.

Тўртинчидан, луғат таркибини янги сўзлар билан бойитишга хизмат қилади.

#### АДАБИЁТЛАР

1. Иззат Сулгон. Адабиёт назарияси. –Т.: Ўқитувчи, 1986, – 56 с.
2. Щерба Л.В. Опыт общей теории лексикографии. –М: Москва,1974,
3. – 265 с.
4. Гринев С.В. Введение в терминоведение. –М:Московский лицей, 1993, -309 с.
5. Караулов Н.Ю. Общая и русская идеография. – М: Москва, 1976,- 183 с.
6. Джалова Л.В. Фантастика Рей Брэдбери. Экология. –М: Москва, 1991, - 12 с.
7. Рей Брэдбери. Марсга ҳужум. Янги аср авлоди. – Тошкент, 2016
8. Айзек Азимов. Кoinот оқимлари. – Тошкент, Davr Press НМУ, 2017
9. Ray Bradbury. Stories Volume 2. –N-Y: New-York, 1990, -27-68 p
10. Ray Bradbury. The Veldt. Volume 2. –N-Y: New-York, 1990, p. 68
11. <http://e-adabivot.uz/adabivotshunoslik/138-turlar.html>